

Юз хаво бошима солиб нафси шум,
Хайли шайтон айлабон хар ён хужум...
Алишер Навоий

Фасоҳат гулшанида ножӯя ва нокис кўйилган кадамлар кўп холларда заарлидир ва иймоний максадларга номувофикдир. Ишкий шеърият кусурларининг кечагиу бугунги кунларга тегишли адабий илдизлари, хаётий иллатлардан олаётган таъсирлари мавжуд бўлса-да, сабаблар муаллифларнинг ўзларига бориб такалаверади. Муқаддас мухаббатдан бехабар юриш, мажозий мухаббатга бирёклама ружу кўйиш окибатининг соҳтакорлик, нотавонлик, серсевгилик, бешармлик, мактов-авраш сингари ботил ифода йўсинларини вужудга келтиргани сир эмас. Ўтган талай ўн йилликлар адабиётида булар, афсуски, муайян даражадаги анъана тусини хам олди.

Дунёвий севгилар тоифасидаги ошик-маъшуқликда «ёр» тимсолининг маъно кўлами хаддан зиёд кичрайди, пафосида хавойилик авж олди. «Ёр» кўплаб ўртамиёна шоирлар ижодида ошикнинг, хушторнинг, жазманнинг, сирти гўзалнинг хусусий, ялангоч атамасига айланди, Уларда хакикий жонон васлига етмок жуда осон, ошикни висол лаззатидан (завқидан эмас) баҳра олдириш маъшуқага хам чўт эмас. Баъзи шеърлардаги «ёр»лар —«хаммага вафодор», мухаббатлар — «елкалари очик жононлар». Бундай ишк баёнларининг матнлари каъридан кандайдир яширин овоз: «Мен севги эмасман, севгидан кўра бошка нарсаман», деётгандек туюлади. Яна бир тоифа ижома масала мудом текис ва силлик, дардсиз ва хаяжондан холи. Жўн, ёлгон, ботил ёзаётганини йиллаб, умрбод сезмайдиганлар, табиийки, ўз асарларидаги ўша пинхона овозни — мудхиш тагмаъони эшитмайдилар, тан олмайдилар. Буюк жавобгарликдан чўчимайдилар.

Нуктаи назар мусаффо ва бегараз бўлмаса ёхуд лахзали ўй-хисларнинг даражаси тўгри аникланмаса, канчалик галати талкинлар рўй бермайди дейсиз? Кўзларимнинг «жононлардан узулгиси келмайди сира», дейди шоир. Бошкаси ўз-ўзига карата: «...кўзларинг тўймас гўзалликка сира, кўзларинг сохибжамолларнинг яна таннозида...» деб гурурланади. Биринииг шеърида севилган киз эрга тегиб кетган. Лирик қаҳрамон уни тинчтимайди. Кизга шаръий жихатдан хакки йўклигини хис этмайди. Охири умрбод «хуснингни узокдан томоша килиб» юраман деган катъий карорга келади. Эрларнинг ўзга хотинларга кўз югуртишига каршилик кўрсатувчи аёлларга ўзга шоир «соз» баҳона тўқийди: «Мен агар бошқалар кўзига боксам(?!), Ёки коматига тикилсам (?!) бирпас, Бундан шубхаланма, ўртанма, эркам. Булар бегонани севганимданмас. Баъзида бокаман таннозларга (?!) хам, Нахот, тушунмайсан сабабин, ахир. Унга бокаману бепардоз, кўркам Сени севганимдан киламан фахр». Албатта, ишонтирувчан асос — алдов.

Мантигида чимдим, балки кўпроқ самимият бордир. Аммо бу—исломий хулк нуктаи назаридан ношаърий баҳона, холос. Тикилишлар мумкинлиги таргibiдан тикилишлар ўрганилади. Бузгунчи хислар уйгонишининг кўпаймаслигига эса хеч ким кафолат бера олмайди.

Шайтоний васваса кўздан, нигоҳдан бошланади. Фикрату шуурнинг ахволи тасаввур ва маҳлиёлик сифатини белгилаб беради. Ботиний савия—поэтик тафаккур ва масъулиятнинг асоси. Нигоҳ ва тасаввурнинг хulosаси унда—дилда сараланади, шеър бўлишга ярокли-яроксизлиги аникланади. Дил нигохига нокобил эрк берилса, у шеърга хирсий васвасаларни билинтирмай бошлаб келади: «...гўзалжуфт чўкки янглиг кўкракларидан шавк ила бехавотир ўрмалаётган нигоҳларим күёшга талпинаётган оташпарастдек унинг кўзлари сохилида бенажот йикилди...», «Ниманидир излайсиз кошу кўзимдан, Кўзингизни олмайсиз бунча юзимдан... Ўрта йўлда ушламанг, кўрганга ёмон...», «Энг рашкчи аёлнинг кўзлари билан. Бир сени севдим де, шивирла бул ковжирок кулокларимга. Сен мени кучокла, Сен мени ўпгин—Шарбатдай сингиб кет кучокларимга». Дил нигоҳ хиралиги бошка гоявий максадд, ага талкинларга хам гализлик олиб-киради:

Ер жуфти халолинг эди-ку, инсон,
Унинг хам хар васли эмасди осон,
Бугун коинотнинг кизи ойни хам
Камолот куёвинг айлади жувон.

Сермаънолик, тагмаънолар фалсафийлиги шеър кимматини баҳолайдиган ўлчовлардан биридир. Бирок бадииятида бадниятлиг кезиб юрган, юяси биргина маҳдуд магъ shedan иборат бўлган, уятли тасаввурларга ишорат киладиган шеърдан кандай кўшимча, залворли жозиба хутиш мумкин?

...Шеърда муддаони окилона белгиламаслик жараёни, усшга-устак, севга деб, хирсий интилетпларни ўкувчига тақдим этшп расми хатто адабий мунаққидларяни безовталантирмай кўйган. Бундай шеърлар бадиий тахлилга хам мухтоҷ эмас, дарров тушунарли бўла колади. «Шукrona айтиб...» номли нисбатан пардалирок беш бандлик шеърга бокамиз. Биринчи банд: «Малоҳатда ягона, муnis, мулоим» гулойимни лирик қаҳрамон излаб-излаб юрган экан, Худойим уни етказибди... Иккинчи баед: «Субҳидамда шабнамга(?) ёр юзини ювса»(?), «Шамол кувиб изидан бўсалар олса», опшк уетшг соchlарини хпукrona айтиб силабди. Учинчи банд:

Нозик кадди-бўйига хеч кўз тегмасин,
Бекасам ёр камзулин нукра тугмасин
Бегона кўл адашиб зинхор узмасин.
Эркам, сени ўйлайман шукrona айтиб,
Тунни тонгга улайман шукrona айтиб.

Тўртинчи бандда ошик ёр васлига яна согиниб талпинади. «Колмайин деб ишқининг мен уволига» севги созин созлайди. Бешинчи банд: мухаббатнинг кечи-эртаси бўлмайди. Хаёт, ишк дарси бир умр ўқитилади. Шоир тонгда ёрига толе тилайди. Яширишнинг

хожати йўқ: шеърни кайта-кайта ўқиманг, у бачкана, телба-тескари туйгу ифодаси туюлаверади. Шоирга ён босишнинг иложини тополмайсиз.

Зийрак шеърхон хар кандай асадардан хиссиётнинг севгими-хирсми, самимийми-ботилми эканини тезда фахмлаб олади. Куйидагича ошиклик тарзида сизу бизнинг аклиминиз етмай турган яна кандай гоялар бўлиши мумкин?

Мен яхшиман, сиз ёмон, дея,
Хар гапда бир тарозингиз хўб.
Ёлгон, десак, болишни бўлак
Кўйиб ётар арозингиз хўб.
Аммо шунда тўни елкада
Йўлга тушар шахбозингиз хўб.

Эҳтимол, бир-икки ботил фикрига караб шоирга доир кескин танкидий хулосаларга келиш шафкатсизликдир. Аммо катта китобнинг деярли барча севги шеърлари шу каби нарсаларни сўз санъати дея хавола этиб турса, ўзингизни, ёрларни, севги неъматини хакоратланган хис этмайсизми? Юкоридаги «асар» муаллифининг яна шундай мисралари хам бор: «Кучсан дейман бир ўзгинам бўйингдан то абаду, то абаду, то абад». «Ёр огушин согинсанг, ул пари пайкарни топ». «Бу кеч хонамни маскан эт, суманбар, коши калдиргоч... жамолинг оч... шамолинг соч, Махрин сўра, баҳосин оч, ишорат эт, кўзи кийгоч, Кулингдин ўзга жўмард йўқ, нархидин кочган номард йўқ...» Ушбу кўчирмалар моҳиятидан кандай умуминсоний мўътабар гоя кидирманг, бехуда кетади. Ёр хам, унинг «нархи» хам, таннархга даъвогар каҳрамон хам нохуш таассурот колдиради.

Бундай мисолларни, афсуски, юзлаб эмас, минглаб келтириш мумкин. Хирсга оид фикрлари бисер ашъорнинг омма ўртасидаги этилган ижодлар олий мухаббат ва максадларни танигап кезларда талай нокис муаммоларнинг ёпирилиб келганлиги ташвишлидир. Бир томонда «ўлдим-куйдим» ялангоч шеърлар ва кўшиклар тўфони. Бир томонда исломий ижодлар мавжлари...

Ибодат йўлидаги айrim ёшларимизнинг «шеърият-шайтоннинг азони» кабилидаги нотўгри тасаввур-хулосалари хам яхши эмас. Бунга ботил мухаббатни куйлашга хаддан зиёд берилишлар, уят байтларни олкишлаш ва уларни чапаклаб каршилаш холлари сабаб бўлмаётганмикан? Холбуки, ибодат одамлари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шеърни завқ ила эшитганликларини, ўzlари байтлар айтганликларини, назмга рагбатлари бўлганлигини, «шеърда хикмат мавжуд», деганликларини, Куръони Каримда Аллоҳнинг шоирликка кандай мажбуриятлар юклаганлигини биладилар.

«Шуаро» («Шоирлар») сураси тафсирида Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари тубандаги фикрни билдирган:

«Шеър факат фиску фужур, кандайдир казо-казоларнинг васфи, кандайдир маъшуканинг мадхи, ох-воҳ ва дийдиёлар эмас. Балки шеър эзгулик, иймон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур... Шеър оркали хикматли, иймоний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир...»

Аллох хеч банданинг ибодати, намози, тоатига муҳтоҷ бўлмаганидек, шоирнинг шеърий ибодати ва тазаррусига хам зор эмас. Аксинча, хар келгулик ва кўргулик учун шукронали бўлишга, Яратганни севишга, Аллох учун ёрга мухаббат қўйишга, муножот-илтижолар килишга, хамду санолар изхорини айтишга ижодкор инсоният мангу эхтиёжманддир.

Мумтоз назм тарихида бепардалик унсурлари бўлмаганми? Бўлган. Кисман. Хозиргичалик эмас. Талай қадим шоирларнинг ожизлик билан хато ёзиб кўйганликларидан надомат чекканликларини, шеърий тавбалар килганликларини яккол тасдикловчи даллиллар хам бор. Хатто Навоий Ҳусайн Байкаронинг шу масаладаги танкидини тўғри кабул килади. Ўз ижодидан баъзи пушаймонликларини ва танкидни тан олганини эътироф этади.

Шахсийми, умумга хосми— хар қандай нуктаи назарлардан кўра бокий ва адолатли коидалар иймонда, иймон илмидадир. Сизу бизнинг бегараз максад-вазифамиз эса уни ўрганмок, Ҳулосани қачондир шеърият тили или айтмокка тўғри келса, упинг мазмуни тахминан будир: Ё, Раб, ботил мухаббатдан ўзга барча севгиларингни насиб эт, хидоят этар эсанг, иймонимни бакувват эт, ошик килсанг, самимий ошуфта кил, «шифта ахвол» килмагин, севдирсанг, холис севдир, ёздирсанг, рўй-рост ёздир, адаштиранг, хайрли адаштири...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1998 йил 13 март.